

На вопрос «Знаете ли Вы о негативных последствиях незарегистрированных браков?» 85,0 % респондентов ответили положительно. И многие уже испытали на себе эти проблемы: 32,0 % – проблемы при получении документа при рождении ребенка, 19,0 % – при получении прописки по месту жительства, 11,0 % – при определении и получении наследства, 12,0 % – при определении прав на имущество, 19% столкнулись с проблемами безответственности со стороны партнера в семейной жизни и только 5,0 % ответили, что не было никаких проблем.

95,0 % опрошенных респондентов хотели бы жить в нормальной семье, с супругом, ответственным за судьбу детей, без ограничений в правах на собственность, имущество и быть уверенным в завтрашнем дне. Одной из главных причин проживания в неполноценном браке было отмечено то, что партнер не разведен и состоит еще в первом браке (имеет семью). Часть женщин отметили, что не могут расторгнуть первый брак из-за потери связи с мужем, который находится в трудовой миграции.

На вопрос «Бывают ли конфликты в Вашей семье?» лишь 17,0 % респондентов ответили, что редко бывают ссоры, 76,0 % – иногда и 7,0 % – постоянные конфликты. То есть такая ситуация не благоприятна не только с точки зрения юридических проблем, но и является источником постоянных конфликтов и неблагоприятного психологического климата в семье, от чего страдают в первую очередь дети.

Таким образом, семьи нуждаются в психологической помощи, в смысле, они должны узаконить брачный союз, где влияют социальные, психологические, экономические факторы. Социальные факторы вклю-

чают в себя низкий уровень правовой грамотности, недостаточность знаний об истинных порядках и нормах семейных отношений по исламскому семейному праву, условиях брака, правах и обязанностях сторон, условиях расторжения брака и др. В данном направлении целесообразно вести разъяснительную работу и оказывать помощь семье:

- вести просветительскую работу среди взрослого (основными инициаторами неофициальных религиозных браков для молодых девушек и женщин являются их родители) и молодого населения, формировать в их мышлении, сознании, духовном мире чувства ответственности в семье за ее материальное благополучие, образование и воспитание детей, благоприятный психологический климат в семье и др.;

- повышать уровень семьи по семейному праву;
- объяснять семьям о негативных аспектах внебрачных отношений, особенно влияния таких отношений на психологию детей, на их дальнейшее развитие, социализацию и т.д.;

- вести разъяснительную работу об аятах Корана, которыми регулировались семейные отношения;

- внедрять нормы, регулирующие отношения между супругами, нравственные и правовые обязанности мужа и жены, родителей и детей.

Такой подход в проведении разъяснительных работ позволяет за короткое время передавать большой объем юридических и психологических знаний, позволяет закрепить полученные знания в жизни. Результатом таких мероприятий может произойти осознание смысла жизни, своих сильных и слабых сторон, возможностей и ограничений в дальнейшей судьбе семьи.

Литература

1. Бошормени-Нэгн И., Крэснер Б. Изменяющийся облик брака. // Журнал практической психологии и психоанализа. 2007. №26 (март). -С.26-34
2. Гаврилюк В.В., Трикоз Н.А. Динамика ценностных ориентаций в период социальных трансформаций (поколенный подход). // «Социологические исследования». 2002. № 1. - С.15-24.
3. Гаспарян Ю.А. Семья на пороге XXI века (социологические проблемы). — СПб.: Петрополис, 1999. -С.320.
4. Орлова Н.Х. Семья как объект социально-философского исследования: Эволюция семейных отношений на рубеже XX-XXI столетий: Дис. канд. фил. наук. СПб., 2000. -С. 186.
5. Социально-психологическая и консультативная работа с семьей. Хрестоматия / Сост. Л.Б. Шнейдер: В 2 ч. -М.: МПСИ; Воронеж: НПО Модэк, 2004.

РЕЗЮМЕ

Маколада оила, никоҳ муносабатларининг ўзгариши, норасмий никоҳлар, бу каби никоҳларнинг бола психологиясига таъсири, қайд этилмаган никоҳларнинг асосий сабаблари муаммо сифатида кўриб чиқилган. Мазкур муаммонинг ижтимоий, ёшга доир, жинсга боғлиқ хусусиятлари, оилага психологик хизмат кўрсатишнинг зарур тавсиялари келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются проблемы семейно-брачных трансформаций, неформальные браки, психологическое влияние таких браков на психологию детей, основные причины распространения незарегистрированных браков. Приведены социальные, возрастные и половые отношения данной проблемы, рекомендованы предложения, профилактические меры оказания психологической службы семьям.

SUMMARY

The article discusses the problems of family and marriage transformations, informal marriages, the psychological impact of such marriages on the psychology of children, the main reasons for the spread of unregistered marriages. The social, age and sexual relations of this problem are given, suggestions, preventive measures for providing psychological services to families are recommended.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ФИКРЛАШ ЖАРАЁНИГА ПСИХОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК ЁНДАШУВЛАР

Г.Б.Бабашева –бошланғич синф ўқитувчи

Нукус шаҳар 25- мактаб

Таянч сўзлар: шахс сифатлари, интеллект, индивидуал хусусиятлар, тафаккур, ижодий фикрлаш, тасаввур, қобилият, нутқ, иншо, ҳикоя, режа.

Ключевые слова: качества личности, интеллект, индивидуальные особенности, мышление, творческое мышление, воображение, способность, речь, эссе, повесть, план.

Key words: person's qualities, intellect, individual peculiarities, thinking, creative thinking, imagination, ability, activity, speech, essay, story, plan.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида “...ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг

инновацион шакллари ва усуллари жорий этиш” мақсадининг белгиланиши ўқувчи-ёшлар интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш миллий тизимини янада такомиллаштириш механизмини такозо этади. Чунки бугунги глобаллашув шароитида боаларда куртак ёзаётган илк истеъдод нишонларини ўз вақтида пайкаш ҳамда тўғри йўналтиришнинг қулай ва оптимал

технологиясини жорий этиш масаласи давр талабига айланди.

Маълумки, ижтимоий тажрибаларни ижодкорлик билан ўзлаштириб ҳаётда қўллай олиш инсондан муайян компетенцияларни талаб этади. Ижодкорлик, теварак-атроф, борлик-оламга ижодий муносабат, яратувчанлик сифатлари шахсда болаликдан шаклланиб, меҳнат фаолияти ва кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар орқали намоён бўлади.

Фанда шахс жисмоний ва интеллектуал камолоти учта муҳим омилга боғлиқлиги қайд этилади. Булар:

- а) биологик омиллар;
- б) ижтимоий омиллар;
- в) мақсадли тарбия омилларидир.

Ирсият биологик омилларнинг муҳим жиҳати бўлиб, бунда биологик ўхшашликлар (ота-она ёки аجدодларга хос тафаккур, нутқ, қобилият, ихтиёрий ҳатти-ҳаракат, амаллар ва бошқ.)нинг наслдан-наслга ўтиши тушунилади. Бироқ мудроқ ҳолатдаги истъдод ва лаёқатни уйғотиш учун оила муҳити ва таълим-тарбия жараёни катта ўрин тутади.

Ижтимоий омилларнинг зарур хусусияти бу **муҳит** бўлиб, у боланинг шахс сифатида шаклланишига ижобий ёки салбий таъсирини кўрсатади. Яъни, муҳит шахс камолотига таъсир қилувчи географик (макон-жой, турмуш тарзи, урф-одат, анъана, тил ва диалект кабилар таъсирида тарбияланиб улғайиши кабилар) ва микромуҳит (оила, дўстлар, тенгдошлар ва бошқ.) ҳодисаларидир.

Муҳит ва тарбия шахс сифатлари ривожда энг таъсирчан омиллардан ҳисобланади. Бола қобилиятлари ривожланиши ва билим олишига қизиқшини аниқ йўналтиришда унинг таълим-тарбия жараёнидаги фаолияти етакчилик қилади. Бинобарин, ижтимоий фаоллик ва қобилият муваффақиятга эришишни таъминлайди.

Қобилият шахснинг психологик ва физиологик тузилиши хусусияти бўлиб, у кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнида ривожланиб боради. У “бирорта хусусиятнинг ўзини эмас, балки шахс фаолиятининг талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлашга имконият берадиган хусусиятлар синтези”дир [1].

Фаолият эса “кишиларнинг ташқи оламга фаол муносабати шакли, инсоннинг ўзини ўзи мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириш усули, инсон борлигининг муҳим хусусиятларидан бири. Фақат фаолият замиридагина инсон моҳияти намоён бўлиши, жамиятнинг, ҳар қандай ижтимоий тузилманинг мавжудлиги таъминланиши мумкин” [2].

Маълумки, шахс ижодий фикрлаш, ижодий фаоллик ёки ижодий қобилиятларсиз жамиятда ўз имкониятларини тўлақонли намоён эта олмайди. Зеро, ижод “инсон фаолиятининг бир кўриниши бўлиб, у ижодий вазифани ечишга йўналтирилган, объектив (ижтимоий, моддий) ва субъектив (билим, маҳорат, ижодий қобилиятлар) шароитларида вужудга келади, ўзига хос, шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, янгилик ва тараққиётга ҳисса қўш иш ҳисобланади” [3].

Ижод “инсоннинг янги моддий ва маънавий неъматлар яратиш фаолияти. Унда инсон тафаккури, хотираси, тасавури, диққати, иродаси фаол иштирок этади, бутун билими, тажрибаси, истъдоди намоён бўлади” [4].

Кенг маънода эса “бирон-бир янги, такрорланмайдиган фойдали омилни ҳосил қилишга йўналтирилган фаолиятидир” (5).

Фикримизча, ижод шахснинг муайян гипотезаларни илгари суриши, таҳмин ва фаразларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини тажрибаларда синаб кўриши, кузатишлари ва таҳлиллар асосида тегишли хулосаларга келиши, турли шаклларда намоён бўлган

изланишлари самарасининг жамият аъзолари томонидан эътироф этилиши, шунингдек, фан-техника, маданият ҳамда санъат каби турли соҳаларни бойитиш ва ривожлантириш борасидаги яратувчанлик фаолиятидир.

Сўнгги пайтларда барча соҳаларда “креативлик”, “креатив ёндашув” атамаларидан фойдаланиш кенг оммалашган. Улар “ижод” ёки “ижодкорлик” тушунчаларидан қайси жиҳатлари билан фарқланади? Чунки аксарият ҳолларда бу тушунчаларнинг маънодош сифатида қўлланилиши кузатилади. Бу борадаги изланишларида Г.Эргашева шундай фикр юритади: “ижодкорлик жараёни муаллифнинг, унинг қобилиятига, анъаналарига асосланади. Креативлик жараёни ...азалий тушунчаларнинг борлиги, ниманидир нима учун, ким учун ва қандай яратиш ва айнан нимани яратиш унинг асосий ташкил этувчи прагматик элементи ҳисобланади... Ижод ҳар доим бирламчи ва фундаментал. Креативликни ижодсиз амалга ошириш мумкин эмас” [6].

Демак, креативлик тушунчаси мақсад қўйиш ва уни рўёбга чиқаришга доир вазифаларнинг аниқ белгиланиши жиҳатидан ижод жараёнидан фарқланади дейиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, креативлик ижодни амалга ошириш алгоритмидир.

Ижодкорлик тушунчаси бу “сифат жиҳатидан янги, оригинал ва такрорланмас бирор янгиликни пайдо қилувчи фаолият” [7] ни англатади.

Кўринадики, ижодкорлик сифатлари шахс билиш жараёнлари ҳамда ҳиссий-иродавий жаҳбалари, хусусан, тафаккури, тасавури ва қобилияти билан узвий ҳолда ривожланиб боради.

Онг ва тафаккур инсонни бошқа мавжудотлардан ажратиб туради. Инсон тафаккур орқали воқеликни онгида умумлаштиради, нарсалар-ҳодисалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, муносабат ва хусусиятларни англаб этади. Тафаккур маҳсули нутқ орқали ифодаланади.

Тафаккур “инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли; объектив воқеликнинг онда акс этиш жараёни. Тафаккур атроф-муҳитни, ижтимоий ҳодисаларни, воқеликни билиш курули, шунингдек, инсон фаолиятини амалга оширишнинг асосий шarti саналади. У сезги, идрок, тасаввурларга қараганда воқеликни тўла ва аниқ акс эттирувчи юксак билиш жараёнидир” [8].

Тафаккурнинг бир қанча турлари мавжуд. Улар воқеликни синтезлаш даражаси, муаммони ҳал этиш хусусияти, шахснинг фаоллик кўрсатиш даражасига кўра фарқланади. Масалан, кўргазмали ҳаракат, кўргазмали образли, амалий, назарий, ихтиёрий, ихтиёрсиз, мавҳум, ижодий ва ҳ.к.

Жамиятдаги ўзаро муносабатлар ҳам тафаккур асосига қурилади. Танқид, баҳолаш, текшириш, назорат, мулоҳаза каби шахс сифатлари ижтимоий муҳитда шаклланиб ривожланади. Кашфиёт, ихтиро, тақлиф ва ижодий ишларни тафаккур маҳсули дейиш мумкин.

Психологлар томонидан тафаккурнинг фаоллик даражасига кўра: *ихтиёрсиз (интуитив)* ва *ихтиёрий (аналитик)*; сўз юритилаётган нарсалар-ҳодисаларни идрок этиш ёки тасаввур қилишга кўра *конкрет*; нарсалар моҳиятини акс эттириш, сўзлар орқали ифодаланадиган тушунчалар асосида фикр юритиш *абстракт*; воқеа-ҳодисаларни изоҳлаш ва фарз қилиш *назарий*; воқеликни ўзлаштириш орқали реал нарсалар-ҳодисаларни яратиш *амалий*; фикрни асослаш ўрнига шахснинг фақат ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил қилиш билан кифояланадиган *муаллифитар*; мантиқийликка асосланган *дискурсив*; босқичма-босқич ва узвий боғланган жараёндан иборат *ижодий* каби ўндан ортик турлари тадқиқ этилган.

Мақолаимизни психолог олим Э.Ғозиевнинг ижодий тафаккур “мураккаб билиш фаолиятидан бири бўлиб, тадрижий равишда, изчил ўзаро боғланган жараёнлардан ташкил топади: дастлаб саволлар тузилади, вазифа аниқланади, масалани ечиш ёки саволларга жавоб қидириш жараёни вужудга келади. Инсон олдида турган аниқ вазифа ёки масала –

бажарилиши ёки ҳал қилиниши зарур бўлган саволнинг ифодасидир. Намоён бўлган вазифа (масала) кўпинча ифодаланиши шарт бўлган мақсадни ҳам ўзида акс эттириб келади. Мақсад эса инсоннинг изланаётган номаълум воқеликни топишга гумон ва ҳаяжон, шубҳа, ҳислардан қутулишга қаратилган майлидир” [9] деган ибораси билан яқунламоқчиман.

Адабиётлар

1. www.ziyouz.com kutubxonasi. Қ ҳарфи. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003.
2. www.ziyouz.com kutubxonasi. Ф ҳарфи. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003.
3. Farmonov O'. Boshlang'ich sinf o'qituvchilari ijodiy faoliyatining o'ziga xos jihatlari // Xalq ta'limi. –Тошкент, 2016. № 6.
4. www.ziyouz.com kutubxonasi. И ҳарфи. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003.
5. Амирова Г., Джураев Б. Болалар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг оптимал йўллари // Uzlusiz ta'lim. –Тошкент, 2015. №5.
6. Ergasheva G. Talabalarda ijodiy fikrlashni rivojlantirishning asosiy komponentlari // Xalq ta'limi. –Тошкент, 2017. № 5.
7. Toirova M. Maktabgacha yoshdagi bolalarning ijodiy qobiliyatlarini shakllantirish texnologiyasi // Xalq ta'limi. –Тошкент, 2019. №2.
8. www.ziyouz.com kutubxonasi. Т ҳарфи. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.
9. G'oziyev E. Psixologiya. – Тошкент: O'qituvchi, 2008.

РЕЗЮМЕ

Мақолада шахс камолотига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллар, хусусан, ўмумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларида ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари ва дидактик талаблари хусусида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются факторы, влияющие на развитие личности, и в частности, педагогические психологические условия и дидактические требования, необходимые для развития креативного мышления у учащихся начальных классов общеобразовательных школ.

SUMMARY

The article is devoted to the study of factors that influence on a person's development. In particular, the author investigates pedagogical and psychological conditions and didactic requirements necessary for the development of creative thinking of pupils in primary classes of general educational schools.

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ТАБИАТ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ ИНСОН РУҲИЯТИГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

А.Б.Қодирова – *катта ўқитувчи*
Термиз давлат университети

Таянч сўзлар: руҳий олам, маърифат, фалакиёт, астрономия, астрология, мучал йиллар, бурж, тўрт фасл, табиат, об-ҳаво, наврўз кирган кун, инсон тақдири, мижози.

Ключевые слова: духовный мир, духовность просвещение, астрономия, астрология, гороскоп, зодиак, четыре времени года, погода, день Навруза, судьба человека, клиент.

Key words: the spiritual world, spirituality, astronomy, enlightenment education, space science, astrology, zodiac, four seasons, of the year nature, weather, day of arrival, of holiday Navrus, fate of a man, client.

Ҳаким Термизий кўпгина қомусий олимлар каби умрининг охирида илми қол – дунёвий илмлар билан ҳам жиддий шуғулланган. Аллома бу соҳадаги тадқиқотларида ҳам тасаввуф ғоялари ва ақидаларига амал қилган: моддий (қасрат) олам руҳий оламнинг маҳсули, тажаллиси, зуҳури, жилваланиши, яъни моддий олам руҳий оламнинг мавжудлигини тасдиқловчи ашёлар, шакллар, илми қол, илми ҳол билан узвий боғлиқ, у руҳий оламни – моҳиятини англамоқ, маърифатни эгалламоқ, ҳақиқат (руҳи муйлақ)га эришмоқ учун моддий (табиат, жамият, ҳайвонот, эришот қабилар)ни ўрганиш, билиш зарур, бу жараён айни замонда, инсон билан Аллоҳ ўртасидаги хижоб (тўсиқ)ни олиб ташлаш, инсонни руҳий оламга йўналтириш (уруж)га имкон берадиган восита ҳамдир, деб тушунади. Демокчимизки, Ҳаким Термизийнинг табиат, фалакиёт ва табобатга бағишланган асарлари, жумладан, “Наврўзнома” ва “Солнома” рисоалари тасаввуфий қарашдан ажралган – соф дунёвий асарлар эмас, унда “ваҳдат ул - вужуд” ғояси бевосита ўз аксини топган [3:61].

Бир қарашда “Наврўзнома” ва “Солнома” рисоалари бирор бир мантиқий қоида-қонуниятга асосланиб тузилмаган, “фолбин”лик, тахминий фикрлардан иборат асарларга ўхшайди. Қолаверса, бу рисоалар ўзбекчалаштирилиб, кирилл алифбесида нашр этилгандан кейин ҳам ўқувчилар эътиборини у қадар жалб этмади, шекилли. Ҳолбуки, бу асарлар ўн бир аср умр кўрган, узоқ тарихий даврни кечиб, катта тўсиқлардан ўтиб, бизгача етиб келган; одамларнинг

янаш тарзини енгиллатишда қўлланилган, ҳаётнинг кўпгина “сиру синоати” яширинган китоб – “фолнома” сифатида эъзозланиб сақланган, ўз соҳиби учун даромад манбаи бўлиб ҳам хизмат қилган; ҳатто душман вилоятларга ошкор этилмаган, бир неча марта, бир қанча тилларга таржима қилинган ва ҳ.к. бу масалада, яъни “Наврўзнома” ва “Солнома”ни баҳолашда бизнингча, кўпчилигимиз ҳам тайёр эмасмиз. Чунки бу соҳани тушуниш – фалакиёт, астрология, география, физика, математика, химия, анатомия, биология, ҳаттоки, илоҳиётшунослик каби қатор фанлардан хабардорликни тақозо қилади [3:62].

Накл қилибдурларким, бир замонда бир ҳаким бор эрди, унинг номини хожа Али Ҳаким Термизий дер эрдилар. Аллоҳ таоло анга бир юз йигирма йил умр бериб эрди. Олим фозил ва муттақий (художўй) эрдилар. Илми ҳикматда ниҳоят даражада қомил ва жамии фунун (ҳамма фан)лардан олим эрди. Кўп йиллар умр кўриб, вужудоти ихтилоф (низо, зиддият) замонларни кўп кўриб, тўрт фасл йилларидан кўп тажриба қилган эрди. Ҳаттоки, ўз замонидаги подшоҳ ва дехқонлар ҳар иш қилсалар ва нарса эксалар, ушбу ҳакимнинг маслаҳатиға мувофиқ қилиб иш қилсалар ва эксалар кўп фойда ва манфаат топар эрдилар[3:62-63].

Шул жиҳатдан подшоҳи замон ул ҳакимга илтижо қилиб буюрдиким: “Сиз бизларга бир рисола жам қилиб берсангиз, ўзингизда ниҳоят даражада тажриба бўлган умри зарурият (зарурий иш)ларни ёзиб борсангиз, токи ғойбона ва ҳозирона (тириклигингизда ҳам, йўқлигингизда ҳам), ҳаттоки, қиёматгача сиздан